



2020 йил "2" октябрь № 87-03-3620

Олий таълим муассасалари
ректорлари ва филиаллар
директорларига

Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлигининг 2020 йил 27 августдаги 08/30502-сонли хатига мувофиқ Малайзиянинг Ал-Бухорий халқаро университети томонидан ўрта махсус ва бакалаврият дастурларида тахсил олиш учун эълон қилинган стипендия танлови тўғрисидаги маълумот иловада юборилмоқда.

Малайзия томонининг маълумотиغا кўра, ўқиш 2021 йил октябрь ойидан бошланади ва ушбу стипендия кам таъминланган оилалар қаторидан иқтидорли ёшларга тақдим этилади.

Номзодлар ҳужжат топшириш вақтида 18-22 ёш оралиғида, уйланмаган (турмушга чиқмаган) бўлиши керак. Улар лицей битирувчилари ёки ОТМнинг ёш ходимлари орасидан тавсия этилиши мумкин деб ҳисоблаймиз.

Мазкур стипендия таълим, яшаш ва овқатланиш каби харажатларни ўз ичига олади ва улар учун ойига 107 доллар ажратилади. Бундан ташқари, авиачипта (бориш ва келиш), талабалик визаси (биринчи тўлов 600 доллар, кейинги йилларда виза муддатини узайтириши 240 доллардан) ва рўйхатдан ўтиш учун тўлов (180 доллар) ҳамда қайтариб бериладиган гаров пули (285 доллар) ҳам ажратилади.

Тавсия этилган номзод мустақил равишда, талабномани университет веб-сайтида (<http://apply.aiu.edu.my/index.php?page=home>) тўлдириши, Ал-Бухорий халқаро университети билан боғланиши ва мазкур университетнинг барча кириш тартибларидан on-line тарзда ўтиши керак.

Ал-Бухорий халқаро университетида ўқиш шарт-шароитлари тўғрисидаги батафсил маълумотлар билан <https://www.aiu.edu.my/> веб-сайтида танишиш мумкин.

Ҳужжат топшириш муддати – 2021 йил июль ойигача.

Ушбу танловда иштирок этиш учун тавсия этилганларнинг рўйхатини Ташки ишлар вазирлиги орқали ташкилотчиларга юбориш учун **2021 йил 1 майгача** вазирликнинг Халқаро ҳамкорлик бошқармасига юборишингизни сўраймиз. Юборилаётган хат "Ал-Бухорий стипендияси" деб номланиб, унда вазирлик хатининг чиқиш рақами кўрсатилиши керак.

Илова: 3 б.

Вазир ўринбосари

У. Бегимкулов





№ 08/50502 «27» 08 2020y.

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси
Маҳалла ва оилани қўллаб-
қувватлаш вазирлиги

2019 йил 18-21 декабрь кунлари Ўзбекистон Республикаси делегациясининг Куала-Лумпур саммитида иштироки натижалари бўйича қабул қилинган «Йўл харитаси»нинг тегишли бандлари ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистоннинг Куала-Лумпурдаги Элчихонаси Малайзиянинг Ал-Бухорий халқаро университети президенти Абд Азиз Тауддин билан музокаралар ўтказди.

Маълумот учун: Ал-Бухорий халқаро университети 2010 йил Саид Мохтар Ал-Бухорий томонидан асос солинган ва хайрия ишларга йўналтирилган олийгоҳ ҳисобланади. Ҳозирги кунда таҳсил олувчилар 37 мамлакатдан жами 280 кишидан иборат.

Университет дунё бўйлаб ислом динига мансуб ёшларга стипендиялар ажратади. Ўқиш ва яшаш бўйича барча харажатлар Малайзиянинг Ал-Бухорий жамгармаси томонидан қопланади. Олийгоҳ сиёсати жамиятнинг барча қатламларига тенг имкониятлар беришдир. Университет дастур ва методикалари Малайзия малака ошириш агентлиги томонидан тасдиқланган. Таълим грантлар олийгоҳда 2003 йилдан бери ажратилимоқда. Ҳозирги даврга қадар 50 давлатдан 500 дан ортиқ талабалар ушбу грантлар соҳибига айланмишган.

Учрашув давомида малайзия томони Ўзбекистоннинг кам таъминланган оилаларни иқтидорли фарзандларига ўрта махсус ва бакалаврият даражаларида ўқиш учун (2021 йил октябрдан бошлаб) таълим грантларини ажратишга тайёрлигини билдирган (ўқиш йўналишлари ҳақида маълумот илова қилинган).

Стипендия таълим, яшаш ва овқатланиш (ойига 107 доллар) бўйича харажатларни ўз ичига олади.

Икки томонлама авиачипта, студентлар визаси (биринчи тўлов 600 доллар, кейинги йилларда виза мuddатини узайтириши 240 доллардан) ва

рўйхатдан ўтиш учун тўлов (180 доллар) ҳамда қайтариб бериладиган гаров пули (285 доллар,) стипендияга кирмайди.

Конкурс танлов шартларига кўра, абитуриент ойига 300 доллардан ошмаган даромад топадиган кам таъминланган оила вакили, ҳужжат топшириладиган вақтда 18-22 ёш оралиғида ҳамда никоҳдан ўтмаган бўлиши керак.

Ҳужжатларни 2021 йил июль ойигача топшириш мумкин. Шунингдек, ўқиш 2021 йил октябрь ойидан бошланиши, талабномани университет сайтида (<http://apply.aiu.edu.my/index.php?page=home>) онлайн тўлдирилиши ҳамда ҳужжатларни муваффақиятли топширгандан сўнг номзод университет вакиллари билан онлайн мулоқот ўтказиши кўзда тутилган (қўшимча маълумотларни <https://www.aiu.edu.my/> сайти орқали олиш мумкин).

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Университет раҳбарияти абитуриентлар рўйхатини тузишда ҳамда уларни бевосита онлайн рўйхатдан ўтишида кўмаклашишни сўраб мурожаат қилган.

Тўғридан тўғри алоқа учун маълумотлар:

Ms. Najihah Binti Mahmud, Vice Chancellor & President's Office, Albukhary International University, Jalan Tun Abdul Razak, 05200, Alor Setar, Kedah. Tel.: +604 774 7473, Fax: +604 774 7310, email: najihah.mahmud@aiu.edu.my.

Кўриб чиқишни ва натижалари бўйича ТИВга абитуриентлар рўйхатини маълумот учун юборишни сўраймиз.

Илова: 1 в.

Вазир ўринбосари



Ф.Сидиков

Направления и специальности по обучению в Международном университете Аль-Бухари на основе гранта:

1. Факультет бизнеса и социальных наук (*School of Business and Social Sciences*):

- Бакалавр делового администрирования (*Bachelor of Business Administration*);

- Бакалавр делового администрирования (маркетинг) (*Bachelor of Business Administration (Marketing)*);

- Бакалавр делового администрирования (управление человеческими ресурсами) (*Bachelor of Business Administration (Human Resource Management)*);

- Бакалавр экономики (*Bachelor of Economics*);

- Бакалавр социального развития (*Bachelor of Social Development*).

2. Факультет педагогики и гуманитарных наук (*School of Education and Human Sciences*):

- Бакалавр начального образования (*Bachelor of Elementary Education*);

- Бакалавр дошкольного образования (*Bachelor in Early Childhood Education*).

3. Факультет вычислительной техники и информатики (*School of Computing and Informatics*). Открытие данного факультета запланировано на 2021/2022 учебный год:

- Бакалавр компьютерных наук (*Bachelor of Computer Science*).

4. Центр фундаментального образования (*Centre for Foundation Studies*):

- Диплом фундаментального образования (*Certificate in Foundation Studies*).